

## ОАВ ТИЛИ

### ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЛИДА ЭКСПРЕССИВЛИК ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



**Дилфуза ТЕШАБАЕВА**  
кафедра мудири  
филология фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

#### Аннотация

Мақолада матнда экспрессивликни ифодалаш муаммоси электрон оммавий ахборот воситалари материаллари мисолида ўрганилган. ОАВ кишиларга дунёда юз бераётган воқеалар ҳақида ахборот берар экан, уларнинг фикрлашига, дунёқарашига ва умуман, бугунги кун маданиятига ўз таъсирини ўтказди. Муаллиф ОАВ матни экспрессивлигини кузатиш асносида маълумот узатувчининг матнга субъектив муносабатини, матн тўлиқлигини таъминловчи нутқ сифатлари – таъсирчанликни оширувчи тил воситаларини таҳлил қилиб, экспрессивлик тенденцияларига эътиборни қаратган.

#### Аннотация

В статье проводится изучение выражения экспрессивности в узбекистанских электронных средствах массовой информации (СМИ). СМИ, информируя человека о состоянии мира и заполняя его досуг, оказывают влияние на весь строй его мышления, на стиль мировосприятия, на тип культуры сегодняшнего дня. Также в статье рассматриваются свойства языковых единиц, обеспечивающих их способность передавать субъективное отношение говорящего к содержанию или адресату речи, а также совокупность качеств речи или текста, организованных на основе языковых единиц, выражающих экспрессивность в языке СМИ.

#### Abstract

The article analyzes the phrasing of expressiveness on the example of Uzbek electronic media (mass media). Media informs a person about the state of the world and filling his leisure time influence the entire structure of his thinking, the style of the worldview, and the type of culture of the day. The article also discusses the property of linguistic units ensuring their ability to convey the subjective attitude of the speaker to the content or addressee of speech, as well as the totality of the qualities of speech or text organized based on linguistic units expressing expressiveness in the language of the media.

**Калит сўзлар:** таъсирчанлик, оммавий ахборот воситалари тили, экспрессивлик, лексика, жанр, услуб, визуал, тил воситалари.

**Ключевые слова:** выразительность, язык средств массовой информации, экспрессивность, лексика, жанр, стиль, визуальный, языковые средства.

**Keywords:** expressiveness, language of the media, vocabulary, genre, style, visual, linguistic means.

Оммавий ахборот воситалари – янгича борлиқ, у ҳозирги замон лисоний жараёнларнинг марказидан жой олган. У миллий тилнинг ҳозирги замондаги модели, унда адабий ва ноадабий соҳалар доимий таъсирлашув ҳолатидадир. Бундай шароитларда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) турли-туман тил воситаларининг бир-бири билан таъсирлашишига имкон берувчи ўзига хос полигонга айланади, деб айтиш мумкин. Табиатан сингувчан ва сингдирувчан бўлгани боис ОАВ ижтимоий аҳамиятли мавзу ва сюжетларни ҳамда ижтимоий баҳолаш маъноларини касб этган лисоний воситаларнинг барча-барчасини ўз ичига олади.

Экспрессивлик ва ифодалилик тушунчаларини аниқлаш, мутаносиблаштириш хусусида ягона нуқтаи назарнинг йўқлиги туфайли улар ҳақида алоҳида-алоҳида мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир.

Айрим муаллифлардан фарқли ўлароқ, биз экспрессивлик ва ифодалиликни айнан бир хил ҳодиса дея олмаймиз. Фикримизча, экспрессивлик кенг маъноли ифодалилик таркибига киради. Нутқ сифатлари ифодалиликни адресат томонидан тўла қабул қилишимконини беради. Публицистик нутқнинг ифодалилиги асосан экспрессия орқали намоён бўлади.

Экспрессивлик деганда, тил ва нутқнинг шундай бирликлари тушуниладик, бунда сўзловчи ёки ёзувчи нутқ мазмунига ёки суҳбатдошининг айтганларига нисбатан ўз муносабатини эмоционаллик, баҳолаш, образлилик, интенсивлик каби категориялар орқали ифодалади (2, 852).

Экспрессив мақсадларда сўзлашувга оид сўз ва иборалардан газета матнларида фойдаланиш янгилик эмас ва бунга (вульгаризмлар ва ноцензуравий иборалар бундан мустасно) ҳеч қандай эътироз билдирилмайди. Буларнинг барчаси газета матнини экспрессияловчи (баҳоловчи, “интимлаштирувчи”, ҳиссийликни кучайтирувчи) “қонуний” воситалар сифатида намоён бўлади(4,114).

Экспрессивлик теле-радионинг жанр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу эса, кўрсатув ёки эшиттириш йўналишига боғлиқ. Масалан, ушбу нуқтаи назарга кўра, илмий йўналишдаги радио ёки телесуҳбат илмий услуб жанри ҳисобланади. Шунинг учун ҳам публицистик услубнинг мавқеи ҳануз ноаниқлигича қолиб келмоқда.

Телевидение ва радиомахсус нутқий система сифатида қаралади. Телевидение спецификаси кўп планли ҳодисадир. Радионутқнинг мавқеи

қўлланадиган доира билан белгиланади. Ошкора нутқ шароитида амалга оширилувчи радионутқ радиоэфирда кодлаштирилган адабий тил ва сўзлашув нутқи воситаларини қўллашга имкон берувчи шароитларга эга. Радионутқ ҳам бу системага хос лисоний белгиларни ўзида мужассам этган ва улар орасидан жой олган. Телевидениеда адабий тил муайян ижтимоий функцияни бажариш учун мақсадли вазиятларда қўлланилади.

Замонавий теле-радио тили хақида гапирилганда оммавий мулоқотда функционал услублар соф ҳолда эмас, балки бир оз ўзгартирилган ҳолда ўзлигини намоён қилиши эътироф этилади. Масалан, *“Американинг Калифорния штатида сёрфинг бўйича мусобақалар чоғида кутилмаганда кучли тўлқин кўтарилди. Бу пайтда 200дан ортиқ киши соҳилда беллашувни кузатаётганди. Улардан кўпчилиги сувга жуда яқин турган эди. Ҳеч ким тўлқинлар баландлиги 2 метрга етиши ва катта тезликда қирғоққа бориб урилишини кутмаганди. Одамлар саросимага тушиб қоча бошлади. Тўлқинлар кўпчилик кишиларни тошлар ва темир тўсиқларга улоқтириб юборди”* (ТВ. “Ёшлар”).

Бу ҳолат оммавий мулоқот хусусиятлари унинг шарт-шароити усуллари ва улар билан боғлиқ вазифалардан келиб чиқишини кўрсатади. Бундай қараш бир қанча телекўрсатув ва радиоэшиттиришнинг стилистик тахлилини қийинлаштиради. Унга кўра, айрим дастурлар стилистик табиатидан маҳрумдек. Баъзи мутахассислар бир-бирига ўхшаш кўрсатув ёки эшиттиришларни турли услубларга тегишли деб ҳисоблайди.

Худди шунинг каби телесуҳбат жанри ҳам қайси услубга мансублиги мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Оммавий мулоқот тили ҳам ўзига хос белгиларни касб этган. Бунда уни амалиётда қўллашда муҳим аҳамиятга эга ОАВнинг ўзига хос техник хусусиятлари ҳал қилувчи омилдир. Масалан, телевидение ва радио тили матбуот тилидан оғзаки ва ёзма нутқни яратиш шакли билан фарқланади. Нутқнинг оғзакилиги ва унинг синхронлиги оғзаки ОАВнинг ўзига хослиги ва ёзма мулоқот тури бўлган газета ва журналлардан фарқ қилишидан далолат беради. Бундай ОАВнинг асосий вазифасини ўташида интонация – оҳангнинг аҳамияти беқиёс. Бунда ҳам, худди матбуот тилида бўлганидек, контрастлик принципи, услубий ва эмоционал-экспрессив бўёқдорлиги, бир-бирига тубдан зид бўлган унсурларнинг қўлланилиши кузатилади. Бу, айниқса, турли радиоэшиттиришларда намоён бўлади. Бироқ овозли нутқда оммавий аудиторияга мурожаат қилувчи унсурлар сони нисбатан кўп бўлиб, уларнинг бари ритмика ва оҳанг соҳасига доирдир. Радио ва телевидениедаги

овозли нутқда адабий тилнинг оғзаки сўзлашув ва китобий ёзма турлари бирликда қўлланади(1).

Тор маънода публицистик услуб ҳақида фикр юритилганда ҳам унда оғзаки сўзлашув нутқ таъсирининг кучи яққол кўзга ташланади. Бироқ оғзаки сўзлашув воситаларининг газета тилида ҳам кенг қўлланиши унинг китобий ёзма табиатини ўзгартира олмади.

Ёзма ва оғзаки сўзлашув нутқ турлари радио ва телевидениеда турли мутаносибликда ўз аксини топади. Масалан, радио ва телевидениеда оғзаки, публицистик нутқнинг асосий белгиларини ўз ичига олган спонтан оғзаки нутқ меъёрий ҳолга айланган. Уларда яна импровизация унсурларини қўллаш кўпайганлигини ҳам эътироф этиш зарур.

Теле-радио ўзининг аудио ва визуал имкониятлари билан аҳамиятлидир. Шу ўринда теле- ва радиодастурлар, кўрсатувларда интонация, ритм, темп ва пауза муҳим ўрин эгаллашини унутмаслик керак. Интонация ва паузадан фойдаланишда жанр хусусиятларини инобатга олиш зарур.

Экспрессивлик, эмоционаллик ҳамда баҳо бериш радио ва телевидениенинг асосий белгилари ҳисобланади. Газетага қараганда телевидение ва радиода экспрессивлик, асосан, интонация орқали амалга оширилади. Масалан: *“Ҳассос табиат бизга бемисл гўзалликлар ҳадея этганки, кўриб кўзингиз қувнайди”, “Хушманзара, баҳаво жойларни сайр этиш, аввало // кайфиятни кўтаради, энг муҳими, саломатликка ижобий таъсир этади”,* – таърифлаш орқали таъсирчанлик оширилган. *“Бугунги тонгнинг шукуҳи, таровати ўзгача. Юртимизга гўзаллик, нафосат, ризқ улашиб баҳор кириб келди. Янгиланиш, яшариш фасли интиқ кўнгилларга илиқлик, поклик, меҳр-муҳаббат бахшида этади”, “Боболаримиз кунлар илиб, ердан ҳовур кўтарилгач, тупроқ тобига келади...”,* – деб эртаги экинларни экишни бошлаган”, – бўёқдор ва чиройли сўзларни дурдек териш эвазига таъсирчанлик оширилган. *Баҳор / ёмғирлар мавсуми. Ҳеч кузатганмисиз, ёмғир ёғиб ўтгандан сўнг ҳаво янада мусаффо бўлади. Сабаби,/ёмғир / бутун борлиқни ювиб губорлардан тозалайди. Шу боис, қадимдан бободехқонларимиз баҳор ёмғирини ерга куч (//) беради деб ҳисоблашган”. (//)* – белгиси орқали бошловчининг интонация орқали таъсирчанликни ошириш жараёни белгиланган (“Ўзбекистон” телеканали).

Иборалардан фойдаланиш. *“Текин нишлоқ қопқонда, деганларидек, “Самовий шердан” жарақ-жарақ долларлар келиб туриши учун дистрибьюторлар нима қилиши керак бўлган?”* ( “Ўзбекистон” телеканали). *“Қачонгача номи улуг, супраси қуруқлардан бўлиб юрасиз? Балки хорижга*

чиқиб ишлаб келсангиз, бизнинг ҳам косамиз оқарармиди”(“Пойтахт” радиоси). “Шунчаки, дўппини ерга қўйиб, бафуржа ўйлаб кўрайлик-чи, ростдан ҳамма айб ёшлардамикан” (“Пойтахт” радиоси).

Баҳо бериш турли хил ўхшатишлар, маталлар келтириш орқали амалга оширилади: “**Ўргимчак қўйган тўрига илинган ўлжага дарров ташланмасдан, аввалига уни обдон ўраб-чирмаб, қимирлашга чора тополмай қолганидан кейингина қонини сўришга киришар экан. Тианиш инвестнинг тармоқли маркетинги билан ўргимчак тўри ўртасида қанчалик фарқ бор?**”(“Ўзбекистон” телеканали).

“**Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлган бу мўйсафиднинг қилаётган ишидан асло афсус қилмаслиги, одамни ўйлантириб қўяди**”(“Ўзбекистон” телеканали). “**Калавани учини топиш учун тергов ишлари шиддат билан давом этмоқда эди. Кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб олган ягона гувоҳ ҳам зойиб бўлган эди**”; “**Бузоқнинг юргани сомонхонагача деганларидек, бу икки дугонанинг ҳам қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади, энди**”(“Пойтахт” радиоси).

Ижтимоий баҳолашга мойиллик публицистика тилининг энг муҳим принципи сифатида, коммуникатив нуқтаи назардан умум – аҳамиятлилик теле-радио публицистик тилинингбошқа специфик хусусиятларини ва унинг алоҳида экспрессивлик хусусиятини ҳам асослайди.

Радиомуаллиф нутқидаги ёрқин метафора, кутилмаган ўхшатишлар уни осон қабул қилиш ва эслаб қолишга ёрдам беради. Лекин уларни суиистеъмол қилиш ҳам ярамайди. Бунда ҳам меъёр зарур. Акс ҳолда, бу тингловчи онгида баён этилаётган маълумотлар ҳақида аслига қараганда унчалик тўғри бўлмаган ёки умуман нотўғри тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Экспрессивликти роплардан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилади. Масалан, метафора орқали: “**Дунё кенг, унинг манзаралари-да турфа хил. Башарият тарихининг энг кўҳна ҳикояларини ўз бағрида сақлаган обидалар, неча-неча асрлардан буён кўксини кериб турган баҳодирдек алп тоғлар, шовуллаб қўшиқлар куйлаётгандарёю денгизлар оламнинг энг гўзал мўъжизаларидир**”(“Ўзбекистон” телеканали).

Радио ва телевидениеда кўпчилик ҳолларда шеъриятдан, мақол, матал, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш орқали ифодалилиқни ошириш кузатилади.

Масалан, “**Асаблар, асаблар, асаблар, беҳуда сочилган газаблар. Ушбу сатрлар кўпчиликка яхши таниш. Ҳозир шеърият ҳақида эмас, асабийлашишининг зарари ҳақида фикр юритмоқчимиз**”(“Ўзбекистон”



телеканални). **“Яхши ният – ярим давлат, деган гапни кўп эшитганмиз...”** (“Ёшлар” телеканални).

Баъзан таъсирчанликни ошириш учун тавтологияга йўл қўйилади. Масалан: **“Табиат куз фаслида биргина япроққа бахи этган ранглари энг моҳир рассом ҳам тўла-тўқис ифодадай олмайди. Лекин тўла-тўқис ифодаланмаган санъат асари ҳам бизни тўлалигича мафтун этади. Ана шу тўла-тўқислик кўзимизга завқ, кўнглимизга ҳайрат бағишлайди...”**. Ушбу гапда урғу айнан тўла-тўқислик жумласига берилган. Нутқий-маданий жиҳатдан олганда, бундай ҳолни тавтология деб ҳисоблаш мумкин.

Нутқ оқимининг темпи, кучи тембри (овознинг ширалилиги), интервалларнинг катталиги ушбу барча омил ва фонетик усулларнинг хилма-хил тарзда қўлланиши, радионутқдаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг характеристикаси тингловчилар томонидан ички ҳолатни ифодаловчи воситалар сифатида баҳоланади.

Экспрессивликни ошириш мақсадида такрорларга мурожат қилинади ва асосий урғу ана шу такрорларга тушади. Масалан, **“Ҳар бир инсоннинг дунёқараши ҳар хил бўлади. Ва дунёқарашига қараб қизиқишлар ҳам ҳар хил / турли хил бўлади”** (“Ўзбекистон” телеканални).

Радиодан жарангловчи нутқ аудиторияга мурожат қилувчининг ихтиёридаги кенг имкониятлар ва ифода воситаларига эга. Масалан: **“Қутлуғ тонгни эзгу орзу ниятлар билан бошлаган яхшиларга ассалому / алайкум деймиз. Барчангизга янги кун, хайрли ишлар қилиш учун берилган яна бир имкон муборак бўлсин”** (“Ўзбекистон” телеканални).

Радиоэшиттириш жанрларида стилистик ва экспрессив-эмоционал бўёқдорлигига кўра бир-бирига қарама-қарши бўлган элементлар бетакрор ифода бирлигини ташкил қилади. Масалан: **“Агар соғлом ва бардам умр кечирай десангиз, овқатдан кейиноқ уйқуга ётишига шошилманг, тонгни бадантарбия машқлари билан қарши олинг”** (“Машъал” радиоси).

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги замон ўзбек ОАВ тилида, асосан, икки тенденция кўзга ташланади: биринчидан, расмий матбуот нашрларида расмий услуб сақланиб қолган бўлса; иккинчидан, кўнгилочар матбуот нашрларида турли услубларнинг қоришиғи маҳсули бўлмиш бадий-публицистик услуб ҳукмрон. Бу, албатта, инсонлараро мулоқотнинг оммавийлашгани учун матбуотнинг ана шу оммавийликка хизмат қилиши билан изоҳланади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Зарва М.В. Произношение в радио и телевизионной речи. – М., 1976. – 131с.
2. Москвин В. П. Выразительные средства современной русской речи, тропы и фигуры. Терминологический словарь. – М.: Феникс, 2007. – 867с.
3. Федотова Л.Н. Контент-анализ в арсенале социологии // Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Учебное пособие. Ч. 2. – М., 2004. – С. 237–247.
4. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Часть 2. – М.: Академический Проект; Альма Матер, 2008. — 760 с.